

# ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ЭПИК ОНГНИНГ ЭПОС ЯРАЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ЭСТЕТИК ЎРНИ

**Баходир РАҲМОНОВ**

Филология фанлари номзоди  
Доцент  
Андижон давлат университети  
Андижон, Ўзбекистон

## Аннотация

Мақолада ўзбек анъанавий фольклорининг бугунги ҳолати, фольклорга хос онгнинг замонавий воқеликни бутун мураккаблиги билан бадий ақс эттиришга қодир эмаслиги, унинг ғоявий-эстетик сабаблари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** эпик онг, эпик хотира, эпик билим, миф, гротекс моделлаштириш.

# ОБЩЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКОЙ ПАМЯТИ И ЭПИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В СОЗДАНИИ И РАЗВИТИИ ЭПОСА

**Баходир РАҲМОНОВ**

Кандидат филологических наук  
Доцент  
Андижанский государственный университет  
Андижан, Узбекистан

## Аннотация

В статье описывается современное состояние узбекского традиционного фольклора, неспособность фольклорного сознания художественно отражать современную действительность во всей ее сложности, ее идеологические и эстетические причины.

**Ключевые слова:** эпическое сознание, эпическая память, эпическое знание, миф, моделирование гротекса.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир” [1] деганда ҳақ. Маълумки, оғзаки бадий ижодиёт намуналари мажмуи халқ тарихий хотирасининг узвий бўлаги саналади. “Тарихий хотира” тушунчаси Миллий

мустақиллик йилларида ижтимоий ва илмий қадрини топди ва амалий аҳамият касб эта бошлади. Баъзи асарларда тарихий хотира аломатлари таърифлана туриб, “миллий қадрият” деган бирикма қўлланилади. Миллий қадрият, бизнингча, тарихий хотиранинг бир қўриниши. Лекин у ҳеч қачон миллат тарихий хотирасини тўла қамраб ололмайди. Шу ўринда ўзбек миллатига хос тарихий хотира ва унинг қадимдан бўён сақланиб, ривожланиб келаётган қўринишлари тўғрисидаги айрим мулоҳазаларни айтиш жоиздир.

Фикримизча, тарихий хотира турлича тил, эътиқод, ижтимоий машғулот ва дунёқараш эгаларини ўзаро бирлаштириб, яқинлаштириб турувчи ҳодисадир.

Бир манзилда ёнма-ён униб-ўсганлик, талабалик ҳаёти, ҳарбий хизматда бирга бўлганлик ва ҳоказо дамлар билан боғлиқ хотиралар шахс тақдирида йиллар ўтган сайин тарихга айланади. Минглаб одамлар биргаликда гувоҳ бўлган ҳодисалар тафсилоти эса миллат тарихий хотирасининг бўлақларидир. Бинобарин, муайян миллатга хос тарихий хотиранинг мифология, оғзаки эпик мерос, мемуар асарлар, бадиий геральдика, кўхна мусиқа, йилномалар, ўтган асрларда яратилган илмий асарлар ва бошқа қўринишлари мавжуд. Улардаги тарихийлик принципнинг бош мезони, шубҳасиз, макон ва замон ўзгарувининг тарихий сабаблари ва оқибатларини холислик билан идрок ва баён эта билишдир. Жумладан, тарихий хотиранинг энг қадимий шакли саналган мифология фалсафий ва тарихий тафаккурнинг тамал тоши сифатида майдонга келган. У маълум бир ижтимоий-этник гуруҳга мансуб анимистик, тотемистик, фетишистик ва ўзга хил инонч тизими ва анъаналарини қайд этади ҳамда уларнинг инсоният тараққиётидаги этиологик вазифаси ва аҳамиятини уқтиради [3; 117].

Умуман олганда, мифологик тарихий хотира билан боғлиқ замон ва макон кечимининг изоҳи жуда мураккаб. Бунга ҳозирги замон кишисининг тасаввур қилиши қийин бўлган мифологик мазмун моҳияти сабаб.

Маълумки, мифологик замон тасвирдаги ҳодисанинг бошланиши ва тугалланиш вақтини аниқ акс эттирмайди. Бинобарин, мифологик вақт астрономик вақт сингари ўтмишдан бугунга қараб йўналмаган. Чунки мифларни яратган ибтидоий одамлар онгида янги ҳодисадан эскининг аломат ва белгиларини қидириш ва топиш кўникмаси барқарор бўлган. Шунинг учун улар келаётган янги давр билан кечаги кун фарқига катта маъно юклашмаган. Бошқача қилиб айтганда, ибтидоий одамлар ота-боболарининг ҳикояларидаги ўтмишни соғиниб яшашган. Негаки у ҳикояларда ижтимоий тенглик ва фаровонлик, емиш мўл-кўлчилиги таърифланар эди. Аждодларимиз наздида мифологик макон ҳам кўриниб турган само жисмлари доирасида чегараланган. Шу сабабдан мифологик хотира фактографик ва прагматик тарихийликдан холи бўлган примитив хотира саналади [2; 11].

Маълумки, меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва моддий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши қадимги одамларнинг шаклланаётган уруғ-жамоа муҳитида ўзини шахс сифатида англаши ва тарихий жараённинг субъекти сифатидаги ўрнини тушуниб етишига олиб келди. Бунинг натижасида “янги” одамнинг тарихий хотираси миф эмас, ривоят, афсона ва эпик асарлар мазмунида акс этди. Жумладан, халқимиз эпик тафаккурининг илк муаззам ҳосиласи бўлган “Алпомиш” достонида ўзбек миллатининг 92 уруғидан бири бўлган Қўнғирот элининг Жийдали Бойсун тобини маълум ижтимоий ва маиший сабабга кўра иккига ажралиб кетиши ва кейинчалик яна бирлашиши жараёни гўзал сюжет ва образлар ёрдамида бадий тажассумини топган. Халқ ўтмишининг муайян босқичини поэтик муҳрлагани боис “Алпомиш” эпоси ижтимоий онг ва ижтимоий мафкура тараққиётини белгиловчи тарихий хотира ёдгорлиги бўла олади. Миф мазмунидан фарқли равишда “Алпомиш” сингари қаҳрамонлик эпосларида халқнинг ижтимоий-эстетик ҳаёти (эпик социум) ўтмиш воқелигидан ажралиб турувчи эпик замон ва омманинг нурли келажак ҳақидаги орзулари

фонида берилади. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, илк маротаба айнан қаҳрамонлик эпосида миллат тақдирига таъсир кўрсатган якка қаҳрамон қиёфаси гавдалантирилади ва унинг конкрет эпик замон ва макон доирасидаги жасоратли ҳаракатида халқнинг орзу-умидларини бадиий мужассам этади. Яна бир муҳим қонуният шундан иборатки, айтайлик, романик дostonларда конкрет эпик замон ва макон танланган бош қаҳрамон фаолияти билан биргаликда асардан асарга кўчиши мумкин (“Гўрўғли” туркумига кирувчи ўзбек халқ дostonларининг умумий мазмунини эсланг). Илк қаҳрамонлик эпосларида эса асло бундай эмас (“Манас”, “Китоби дада Кўрқут” ёки “Бамси Байрак” дostonлари бадиий тўқимасига назар солинг).

Ўзбек миллати сақлаб келаётган тарихий хотиранинг энг юқори босқичи шубҳасиз, илмий-назарий ғоялардир. Халқимизнинг буюк алломалари ёзиб қолдирган назарий хулосалар кейинги авлод тадқиқотчилари учун дастуруламал бўлди. Шогирдлар устозлар хизматини қайд этиш билан чекланмасдан, уларнинг концепцияларини янги замон призмасидан ўтказдилар, назарий жиҳатдан бойитдилар ва амалий татбиқ усулларини ўйлаб топдилар. Чунончи, Фаробий ва Беруний, Ибн Сино ва Замаҳшарий, Ал-Хоразмий ва Кошғарий, Имом ал-Бухорий ва Улуғбек, Навоий ва Бобурлар ёзиб қолдирган илмий-маърифий мерос ўзбек халқи тарихий хотирасининг дурдоналари саналади.

Ана шу қадар қадимий халқ оғзаки эпик ижодининг бугунги ҳолати ҳақида аниқ бир илмий фикр билдиришнинг имкони йўқ. Бунга сабаб шуки, фольклор жанрларининг ҳар бири халқнинг ижтимоий-маиший ҳаёти, маданий-илмий даражаси билан ўзига хос йўллар, восита ва усуллар орқали боғланган. Халқнинг ижтимоий-маиший ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар, воқеликни эстетик идрок этиш тарзидаги олға силжишлар ўтмишдаги фольклор ижодкорлари ҳамда тингловчилардаги “фольклорий онг” тарзини кескин ўзгартириб юборди.

Фольклор миллатнинг ўтмишга доир хотираси сифатида ўзига хос бадиий ҳамда маиший вазифа адо этувчи ғоявий-эстетик системани, яъни инсон ва унга қарши турган кучлар ҳақидаги ягона ҳукмрон дунёқарашини ифодалаган. Мана шу ҳукмрон ягона дунёқараш фольклорга хос онг деб аталмиш тушунчанинг моҳиятини белгилайди. Бугунги кунда ана шу тушунча халқнинг дунёқарашада, бадиий тафаккурида, ғоявий-эстетик талқинида аста-секин сўниб, ўз ўрнини алоҳида индивиднинг бадиий таҳлил ва талқинига бўшатиб бермоқда. Анъанавий фольклор жанрларининг етакчиси бўлган эпос халқнинг ижтимоий ва маданий ҳаётидан, одамларнинг кундалик турмушидан четда қолмоқда. Унинг илгариги прагматик аҳамияти йўқолгани боис маънавий эҳтиёж қамайди. Айтайлик, юз йил аввал ўзбекнинг тўйи бахшисиз ўтмаган бўлса, ҳозир унинг хотирасини фақат қариндошлари ва катта ёшдаги ҳамқишлоқлари ёдга оладилар. Аммо ўша бахши ижросидаги дostonдан бирон парчани айта олмайдилар. Сеҳр-жоду билан боғлиқ жанрларни ижро этаётган замондош шомон, парихон, кинначи, бадикчи ва бошқаларнинг онгида ҳам матннинг магик кудратига ишонч сусайиб, кўхна маросимлар одатга айланиб бормоқда, сермазмун ва серҳаракат ритуал йўқолиб, церемониал томоша кўрсатилмоқда. Бундай ҳолатлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, анъанавий фольклорга хос онг ҳар томонга тортса бўлаверадиган мавҳум, универсал тушунча эмас. Унинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ шундай белги ва хусусиятлари борки, уларни умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчиси – фольклор азал-азалдан халқнинг кундалик маиший ҳаёти билан узвий боғлиқликда яратилиши ва ижро этилиши ҳисобланади. Шу жиҳатдан қаралса, маросим фольклори жанрларида, меҳнат кўшиқларида халқнинг табиат ва жамият ҳақидаги эътиқодий тасаввурлари, меҳнат шароити ҳамда меҳнат воситалари ҳақидаги соф эмпирик қарашлар кенг ифодаланган. Асрий маросимларнинг ижтимоий-эстетик, диний-ритуал вазифалари замонавий тараққиёт зарбасига дош бера олмаганидек, меҳнат турлари, воситалари ҳамда шароитининг ўзгариши ҳам меҳнат

кўшиқларининг яратилиши ва ижро этилиш миқёсини кескин ўзгартириб юборди. Ҳозир ана шу соҳаларга оид кўплаб жанрлар ўз-ўзидан сўнди, сақланиб қолганлари ҳам бутунлай ўзгача талқинларда ижро этилиб, ўзгача вазифаларни бажармоқда. Масалан, илгари ғалла янчишда ижро этиладиган ”хўп майда” номли меҳнат кўшиқлари деҳқончиликка кириб келган комбайнлар сабабли ижро этилмай қолди. Аммо “майда” кўшиқлари шаклий қулайлиги туфайли постфольклор шароитида янгича эстрада талқинида ижро этилмоқда. Ёки бешик кўшиқларига мансуб “алла”ларни профессионал хонандаларнинг турлича услубида тинглаяпмиз.

Эпик жанрлар тақдирига келганда шуни айтиш лозимки, ҳозир турли сеҳрли буюмлар ёки ҳомий ҳайвонлар кўмагида кўзланган мақсадга эришиш, ҳар қандай воқеанинг охир-оқибатда яхшилик билан тугашига ишончнинг сўниши халқ эртакларининг янги замонавий асосда яратилишига имкон бермай қўйди. Ёки яқка шахснинг жамоа идеалини ташиши, шу идеалнинг ғалабаси учун эпик қаҳрамоннинг кураш олиб бориши ва муқаррар равишда ғалабага эришиши ҳақидаги эстетик тамойиллар бугунги инсон бадий тафаккурини қаноатлантирмай қўйди. Бадий тафаккур ва диднинг бу даражага етиб келиши ҳозирги воқелик ва замондошимиз образи етакчилик қиладиган халқ достонларининг яратилишига монелик қилади. Демак, истаймизми-йўқми, меҳнат ва маросим кўшиқлари, афсона, ривоят, эртак ва достон жанрларига хос эстетик таъсир кучини қабул қилиб юрган фольклорий онг постфольклор тамойилларига мувофиқлашган анъанавий фольклор жанрларигагина мойил бўлаётганини тан олишимиз лозимдир.

Фольклор тафаккур тарзига хос иккинчи хусусият ижодкор ва тингловчи томонидан воқеликни эстетик идрок этилишида анъанавийликнинг ҳукмрон роль ўйнашидир. Барчага маълумки, эртак, достон ва кўшиқлар қаҳрамонининг хатти-ҳаракати, руҳий ҳолати ҳамда кечинмалари қайси миқёс ва даражада бўлмасин, бир хил анъанавий шаклларда – барқарор формулалар воситасида ифодаланади. Масалан, эртакларда қаҳрамоннинг кўп йўл босиши “йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл

юриб, сувсиз аро чўл юриб” каби, халқ дostonларида эса қаҳрамонларнинг ўзга шахсларга мурожаатлари “Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими || Олло менинг ақлу хушим олдими?” ёки “Қийғир деган қуш ўлтирар қияда|| Не кўриб кечирдим фоний дунёда” каби кўплаб барқарор формулалар воситасида; унинг ғазабланиши “...нинг қаҳри келди, илондай заҳри келди” сингари анъанавий қолиплар билан берилади. Бу формулалар узок аждодларимизга хос фольклорий онг маҳсули бўлиб, улар бугунги инсон эстетик эҳтиёжини қондира олмайди. Бугунги инсон, ҳар бир ижодкор реал воқеликка муайян тасаввур ёки тасаввурлар тизими орқали бир хилда қарай олмайди. Уларнинг ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса ҳақида ўз қарашлари, ўз тасаввурлари ва ўзларига хос эстетик баҳолари бор. Чунки уларни бир хил билим ва ахборот эгаси деб бўлмайди. Воқеликни эстетик идрок этиш ҳамда акс эттиришдаги ана шу индивидуаллик ҳозирги санъат ва адабиётда етакчи тамойилга айланганлиги тасвир ҳамда ифодада фольклорга хос формулавийликни сўндирди. Шунинг учун бугунги адабиётда стереотип вазият, стереотип тасаввур, стереотип сюжет ёки мотив, стереотип ифода ва тасвир учрамайди. Бинобарин, ҳозирги сўз санъатида анъанавийлик ўз ўрнини индивидуалликка тўла бўшатиб берди. Бу нарса фольклорга хос онг тарзидаги анъанавийлик, унга асосланган жанрларнинг сўнишига олиб келди.

Фольклорга хос онг тарзининг учинчи хусусияти нафақат воқеликни акс эттириш восита ва шаклларининг анъанавийликка асосланишида, балки воқеликни ижтимоий маиший тажрибалари асосида ўзига хос тарзда моделлаштирилишида ҳам кўзга ташланади. Бундай бадий моделлаштириш ёзма адабиётдан, айниқса реалистик адабиётдан кескин фаркланиб туради. Бу фарқ эса фольклорнинг ҳар бир жанрида ўзига хос тарзда кўзга ташланади.

Биргина халқ дostonларини оладиган бўлсак, эпик воқелик афсонавий мамлакатларда, феодал саройларда, алоҳида танланган қаҳрамонлар ва мамлакатлар, уларга хизмат қилувчи қирқин хос йигитлар, қирқин канизлар, анъанавий ўлкалар, саҳро ва тоғларда, шаҳарларда кечади.

Достонларда акс эттирилган эпик воқелик қай даражада драматизмга бой, чексиз фантазия, муболаға ва гротескларга ўраб-чирмаб берилмасин, пировард натижада жамоа идеалини ташувчи қаҳрамон ғалабаси билан яқунланади. Унга қарши турувчи кучлар эса маҳв этилади. Бу нарса фольклорга хос эстетик баҳонинг энг йирик миқёсдаги модели ҳисобланади. Чунки фольклорий онгнинг воқелик ҳақидаги эстетик баҳоси бир-бирига кескин зид турувчи икки қутбга мансуб мезон билан ўлчанишига асосланади. Фольклорда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги биполяр курашнинг ягона моделида эзгуликнинг тантанаси ва ёвузликнинг забун бўлиши етакчилик қилади, унда иккинчи ва учинчи моделнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки халқ эстетикасида ўртача баҳонинг ўзи йўқ.

Ёзма адабиётдаги реал воқелик тасвирида эса ижодкор идеали, воқеликка индивидуал муносабати ягона бир ҳаётий факт ҳақидаги бир неча моделларда турлича эстетик ечимларни бериши мумкин. Чунки индивидуал ижод муайян қолипларни, анъанавий мезонларни билмайди. Демак, унда воқеликни акс эттириш принциплари анъанавий моделлар сиғимига мос келмайди. Инсон бадий тафаккурининг бу даражада ривожланиши ўз-ўзидан фольклорга хос онг ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Аён бўляптики, бугунги инсон хатти-ҳаракати, унинг руҳий олами, шиддат билан оқаётган воқелик халқ эпосининг тасвир моделларига хос эстетик баҳоланишга сиғмай қолди. Ушбу сабабга кўра эпос янгидан ижод қилинмай қўйди.

Фольклорга хос онгнинг тўртинчи хусусияти унинг фақат ўзигагина мос маконий ва замоний тасаввурлар тизимида амал қилишида намоён бўлади. У анъанавий образларнинг анъанавий маконий ҳамда замоний кўламларда амал қилишини англатади. Фольклорга хос онгнинг замонавий чегараси бир томони ўтмиш билан алоқадор бўлса, иккинчи давомийлик чегараси ёзма адабиётдаги сингари яқин ўтмиш, бугун ва эрта билан боғланмайди. Фольклорга хос онгнинг маконий чегараси эса анъанавий эпик ёки ўта мавҳум жойлар билан боғланган. У тасвир объекти билан алоқадор афсонавий идеал маконлардан ташқарига чиқа олмайди. Замонавий



ёзувчининг бадий тафаккури эса ўтмиш, бугун ва келажакни узвий боғлаган ҳолда бир пайтнинг ўзида ноанъанавий кўплаб маконларни идрок этади, уларни реал ҳаётининг мантиқ ва бадий мантиқ уйғунлигида акс эттира олади.

Фольклорий онгга хос бешинчи хусусият инсон рухий ҳолатининг энг куйи ва энг юксак даражадаги икки кутбини акс эттиришга қодирлигида кўринади. Зотан, халқ ижодида руҳият тасвири имкониятлари чекланган. У ўта барқарор ва анъанавий шаклларда акс этади, холос. Ёзма адабиёт эса қахрамон руҳиятининг энг чуқур, энг қоронғу гўшаларини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг оқибатида ёзма реалистик адабиётда бадий психологизм шу даражада ривожландики, ҳатто руҳшунослик илми ҳам бадий руҳиятга оид кўплаб муаммоларни изоҳлашга ожизлик қилиб қолди.

Фольклорга хос онгнинг юқорида қайд этилган бешта хусусияти шундан далолат берадики, анъанавий фольклор жанрлари бугунги воқелик оқими ва инсон руҳияти жилваларини, унинг интилиш ва тўлғанишларини бутун мураккаблиги, бетакрорлиги билан акс эттиришга қодир эмас.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 7 апрель. № 68.
2. Каменская Р.А. Историческое сознание: автореф. Дисс. на соис. ученой степени канд. Филос. наук. – Волгоград, 1999. – 23 с.
3. Лосев А. Ф. История античной эстетики. в 2 кн. Кн. I. – Харьков: АСТ, Фолио, 2000. – 117 с.